

Хар бир ватанпарвар киши ўз юртига бўлган меҳр-мухаббатининг рамзи сифати, бу юртнинг тарихини ўрганади. Кўлидан келганлар эса, ушбу ўзи ўрганган нарсаларни келажак авлодларга хам колдиришни ўйлади, бунинг учун харакат килади.

Шундай уринишлардан бири Сайид Абдулмўмин ибн Сайид Акрамнинг “Турон тарихига ёгдулар” номли китобидир.

Китобнинг муаллифи Бухорода большевиклар инкилобигача хукмдор бўлган мангит хонлари сулоласидандир. У кишининг отаси Сайид Акрамхон Музаффархон ўғли Бухоронинг охирги амири Сайид Олимхоннинг амакивачасидир. Сайид Абдулмўмин ибн Сайид Акрамхон 1318 х. санада отаси хоким бўлиб турган Гузор вилоятида таваллуд топган. Ёшлигига мадрасани тамомлаб, сўнгра от чопиш, ўқ отиш каби харбий машкларни ўрганди. Русияда коммунистлар давлат тўнтариши килганда, камоклардан беш юз нафар австриялик асиirlар кочиб, Бухоронинг шаркига келдилар. Уларнинг ичида харбий мухандислар хам бор эди. Ўша ернинг хокими бўлган Сайид Акрамхон мазкур австриялик мухандислардан бухоролик мухандислар билан хамкорликда тўп-замбарак ясашни йўлга кўйишни таклиф килади ва бу ишга ўз ўғли Сайид Абдулмўминни бош этиб тайинлайди. Иш юришиб, тўплар тажрибадан яхши ўтади.

Мухандисларни Амир Олимхон ишга таклиф килади. Большевик-коммунистлар хужуми аввалида Сайид Абдулмўмин тогда камалда колган аёллар ва ёш болаларни куткаришга бош бўлади. Коммунистлар хужумини тўсиш учун истехкомлар куришда иштирок этади. Химоя чизигига етиб келган Амир Олимхон Сайид Адулмўминга аёллар ва ёш болаларни Афғонистонга олиб ўтишни топширади. Афғонистонда бир канча муддат яшагандан сўнг укаси Хошим билан кобуллик хожилар гурухида хажга боради ва ўша ерда яшаб колади. Маккадаги Бухоро амирлиги тамонидан килинган вакфларга нозирлик килади. У киши якинда Маккада вафот этди. (Аллоҳ ўз раҳматига олсин). Ўзи билан керакли хужжатларни тўплаб юрган Сайид Абдулмўмин юртимиз тарихи тўгрисидаги араб, форс ва турк тилларидағи китобларни кўплаб мutoала килади. Ушбу мutoала ва уринишлари самараси ўларок араб тилида, “Азвоу алот тарихи Турон” яъни, “Турон тарихига ёгдулар” китобини ёзди. Китобни Робитатул Оламул Исломий нашр этган. Китоб мукаддимаси машхур олим, Ахмад Мухаммад Жамол тамонидан ёзилганлиги хам алохидатиб касб этади.

Муаллифнинг ўзи эътироф этиб, мен тарихчи олим эмасман, аммо Турон юртнинг бир фарзанди сифатида юртимнинг менда хакки борлигини хис этганимдан, ватандошларимга ўзим тўплаган ва билган хакикатларни китоб шаклида колдирмокни касд килдим, дейди. Дарҳакикат, муаллиф тарихчи олим эмас, аммо у киши тўплаган маълумот ва келтирган гувохлигу далилларни хар кандай тарихчи хам кила олмайди. Бир неча тилларни билиб, уларда ўкиб-ёзиб, хужжатларни солиштиришга хамма тарихчи хам кодир эмас.

Менимча, Сайид Абдулмўмин раҳматуллохи алайхининг ўз кўзи билан кўрган воеаларни хикоя килишлари алохидатиб ахамиятга эга. Аввало, бу шахсий гувохлик бўлса, колаверса, ўша даврдаги хукмрон тоифанинг вакили сифатида фикр юритишлари ўзгача маъно касб этади. Чунки бизнинг тарихимизда ва уни ўрганишда айнан ўша нарса етишмайди. Коммунистик инкилоб ва ундан кейинги воеалар хозиргача факат бир ёклама, ёлгон билан талкин этилинди. “Турон тарихига ёгдулар” китобида эса, хукмни коммунистлар куч билан тортиб олган тоифа вакилининг кўз караши ифода этилади. Бу

Муаллиф:

26.02.2014 20:23 -

билан, олдин факат ёлгон маълумотлар бор эди, энди юз фоиз ростини топиб олдик, деб хам айтмокчи эмасмиз. Тарихга кайта назар солиб, уни илмий йўл билан, омонат билан халкимизга тўгри холда такдим килиш тарихчиларимизнинг бурчи. Ана ўша катта хажмдаги ишда эса, Сайид Абдулмўминга ўхшаш азизларимизнинг асарлари ўзининг муносиб ўрнини топади, деб ўйлаймиз.

“Турон тарихига ёгдулар” китоби факат муаллифнинг хотираларидан иборат эмас, балки кўрган, эшитган вокеаларга жуда оз жой ажратилган. Китобнинг аввалида Туроннинг кадимги тарихидан сўз кетади, унинг хакидаги жўгрофий маълумотлар берилади.

Сўнгра Ислом давридаги тарих хакида, турк халкларининг Ислом учун килган хизматлари, Турон тупрогида етишган алломалар тўгрисида маълумотлар берилади. Турон заминида хукм сурган давлатлар бирма-бир эсга олинади. Турк халкларининг заифлашиши ва давлатларнинг парчаланиб кетиши хам тилга олинади. Нихоят, рус истилосига етиб келинади. Сўнгра муаллиф ўз кабиласига мансуб мангитлар сулоласининг хукми хакида сўз юритиб, сulton ва амирлар, уларнинг хукмдорлиги хакида тарихий тасансул илиа маълумотлар келтиради. Ундан кейин коммунистлар боскинидан сўнг бўлиб ўтган вокеаларга тўхталади.

Советлар тўгрисидаги бобни муаллиф “Бобомиз Музаффархон давридан бошлаб Амир Олимхон давригача ўтган олтмиш уч йилни Бухоро давлати рус подшоси Александр билан тузилган шартнома асосида тинчлик ва омонликда ўтказди”, деган иборалар билан бошлайди.

Сўнгра, Ленин бошлиқ коммунистлар давлат тўнталиши килганидан сўнг, вазият тамоман ўзгаргани, янги келганлар хам шартнома тузган бўлишларига карамай, аҳдида турмасликлари, ёлгончи ва хиёнаткор эканликларини хужжат ва далиллар билан баён килади.

“Турон тарихига ёгдулар” китоби муаллифи Сайид Абдулмўмин коммунист хукмдорларни, аҳдига вафоси хам йўқ, виждони хам йўқ, одамларнинг молу-мulkини тортиб олиш, уламолар, бой кишилар ва акл заковатлиларни йўқ килишдан бошка максади йўқ кишилар, деб васф килади. Коммунистлар сиртда Бухоро давлатига дўстликни даъво килсалар хам, ичда алдамчиликни ва уни босиб олишни режа киларди, дейди муаллиф.

Хозиргача халкимизга такдим килинаётган коммунистча тарихда, кизил армия Бухоро халки талабига биноан мазлум меҳнаткашларни озод килиш учун келганда, Амир Олимхон Афғонистонга кочиб колди, дейилади. Аммо Сайид Абдулмўмин ўз китобларида бошкacha маълумотлар беради. Кўпчиликни ушбу биз учун янгилик бўлган маълумотлардан хабардор килиш максадида бир оз тафсилотларни келтириб ўтишни лозим топдик.

Сайид Абдулмўминнинг ёзишларича, 1336 х. сана жумадис сони ойида Колесов бошчилигидаги кизил армия Когонга етиб келган. Аммо амирлик кучлари уларни тўсиб, камалга олган. Шунда Ленин ўз вакилини юбориб, Бухоронинг мустакиллигини эътироф килган, Чор хукумати босиб олган ерларни кайташишга, шунингдек, Бухорога курол-аслаха, ўқ-дори ва учкичлар беришга ваъда берган. Бухорога элчи ва Тошкентдан ўн бир дона тўп хам юборган. Аммо кизиги шундаки, юборилган тўпларнинг ўки йўқ экан. Амир Олимхон коммунистларнинг ваъдаси ёлгон экани маълум бўлганидан сўнг, кўшни давлатлардан курол сотиб олган, аскар тўплаб машк килдирган.

Русия ичидаги бўхронлар тинчигандан сўнг коммунистларнинг муомиласи ўзгарган. Улар Бухородаги элчилари оркали бекорга бугдой ва гуруч беришни талаб килишган.

“Турон тарихига ёгдулар”

Муаллиф:

26.02.2014 20:23 -

Шунингдек, коммунист жосуслари одамларни ушлаб камашган ва бошка игволар чикариб, Бухорога хужум килишга баҳона чикаришга уринганлар. Амир Олимхон эллик минг аскар тўплаб, темир йўл бўйлаб истехкомлар курган.

Шунда Ленин тезда Тошкентдан ўзининг Тиронов номли вакилини юбориб, янги найрангларни бошлаган. Амир Олимхонга шартномага амал килиш Русияънинг ички бўхронлари туфайли кечикиб колганига узр айтган. Ўзининг Бухоро билан дўстлик алокаларини давом эттириш ниятида эканлигини ва бу алокалардан кўплаб яхшилик кутаётганини айтган. Шунингдек, Бухоронинг нима талаби бўлса, бажаришга тайёр эканлигини билдириб, темир йўлдаги камалда колган кизил армияни камалдан чикаришни сўраган. Бундан сўнг икки тараф учинчи бор шартнома тузиб имзо кўйишган. Шартномага амал килиб, Амир Олимхон ўз аскарларини темир йўлдан уч мил масофага узоклаштирган, чегарачилар сонини камайтирган.

Аммо коммунистлар ўз одатларича яна навбатдаги хиёнатни килганлар. 1338 x. сана зул хижжа ойининг ўн беши, душанба куни кечаси соат ўн иккida хужум бошлаб, чегарачиларни асир олганлар, хаводан, ердан, турли куроллар билан Бухорога бостириб кирганлар. Кутимаган бу коммунистик горатда факат кекса кишилар, аёллар ва болалардан эллик минг киши халок бўлган. Бошка талофатларнинг хисоби йўқ даражада эди.

Бундан тўрт кун кейин Амир Олимхон давлат аёнлари ва йигирма беш минг аскар билан Бухородан чикиб, ўн кундан сўнг Кўргонтепага етиб боради. Сўнгра Бойсунда истехкомлар куради. Шу ерда коммунистлар билан бухороликлар орасидаги уруш олти ой давом этади. Сўнгра коммунистларга Московдан ёрдам кучлари ва янги курол-аслаха келади. Улар бухороликларга янги хужум бошладилар. Ўн кун давом этган шиддатли жанглардан сўнг бухороликларнинг ўқ-дорилари тугаб колади. Амир Олимхон Афғонистон подшоси Омонуллохонга одам юбориб, пулга бўлса хам ўқ-доридан ёрдам бериб туришини сўрайди. Омонуллохон эса, Амир Олимхоннинг ўзи келсин, дейди. Ўз аскарларига мулла Мухаммад Иброҳимбек девонбеги ва Давлатмандбек девонбегиларни бошлиқ этиб тайинлаган Амир Олимхон 1339x. сана, 22 жумадус сони, чоршанба куни Жайхун дарёсидан Афғонистонга ўтади. Омонуллохон уни тантана билан кутиб олади ва ўз меҳмони, деб эълон килиб, 12000 рупия ойлик тайин килади. Шундан кейин Амир Олимхон Омонуллохоннинг хоин эканлигини тушуниб етади. Омонуллохон Ленин билан тил биритириб, уни алдаганини англайди. Ушбу хиёнат натижасида Амир Олимхон касрда камалиб колади. Унга хеч каёкка чикишга, хатто хажга боришга хам рухсат берилмайди.

Амир Олимхон Афғонистонда тутилиб колгандан сўнг хам унинг аскарлари Иброҳимбек бошчилигига коммунистларга карши курашни давом этдирадилар. Хусусан, Туркиядан Анвар Пошша келиб, харбий ишлар режаси тузилиб, Бойсун, Гузор, Шеробод ва Карши каби жойлар озод килиниши катта галаба бўлди. У ерларга истехкомлар курилди.

Атрофдаги шахар ва кишлекларда хам коммунистларга карши куролли кураш бошланиб, Иброҳимбекдан кўмондонлар беришни сўрай бошлашди. Уларга хам ёрдам берилди. Ушбу галабалардан сўнг Иброҳимбек Омонуллохонга саккиз кишилик хайат юбориб, Амир Олимхоннинг озод килинган ерларга кайтиб келишини таминлашни сўради. Аммо Омонуллохон турли баҳоналар билан хайатни курук кайтарди. Амир Олимхонни яна саройда ушлаб колди.

Амир Олимхон 1943 йил, 29 апрелда 64 ёшида Кобулда вафот этди.

“Турон тарихига ёгдулар” китобида бундан бошка хам кизикарли маълумотлар кўп.

“Турон тарихига ёгдулар”

Муаллиф:
26.02.2014 20:23 -

Тарихчиларимиз хохласалар, бу китобдан самарали фойдалинишлари мумкин.
Аллоҳ таоло барчамизни тўгри йўлга бошласин.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф